





Оила — тарбия ўчоғи

ФАРЗАНДЛАР — ТОҒДЕК ТАЯНЧ

Навоийлик Сайдали бобо Мавлоновнинг ҳаёти бунга ёрқин мисол бўла олади

У «Хаёт» маҳалласида яшади. Ёши 75 ёшда. Жусаси миқтидан келган. Сира тиниб-тинчмайди. Қариллини мутлақо тан олмайди. Умр бўйи муаллимлик номини еган. Ҳозир ҳам мактабдан бери келмайди. Юриш-туриши, обрў-эътибори кўпчиликлари намунани. Китобсиз туролмайди. Соатлаб баҳолашидан чарчмайди.

Аминахон ҳам бўлса...» деган фикри ўтказди.

Мен бобо билан оила маънавияти, болалар тарбиясида ота-онанинг ўрни ҳақида узоқ-узоқ суҳбатлашаман. Пурмаъно фикрларини шоша-пиша қоғозга тушираман:

— Оила — жамиятнинг дуру гавҳари. Жамият ҳақиқати унинг жисмидир. Бундан ташқари, оила — инсоннинг ўлими бўлганда ҳам ҳаётини кўриши. Бунинг учун ўғил-қизларни кичкиналикдан турғиликка, ҳалолликка, покликка ўргатиш лозим. Лекин тарбия куруқ панду насихатдан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Хар бир ота-она фарзандларига, аввало, ўзининг юриш-туриши, иши-ушмоғи ила ўрнак бўлиши зарур. Ота-боболаримиздан мерос тарбиянинг энг кўли йўли шу. Минг марта эшитилган бир бора кўрган афзал, деганлар ҳам шу. Болалар ҳақиқий тарбияни ота-онасидан, уйдан олади.

Айрим ота-оналар «Фарзандларим китоб ўқийман» деб нолишади. Таъба, ўзи ойда-йилда кўлига китоб ушлама-ю, бу ишни боласидан кутса, шум инсофданими? Йўқ...

Вақти-вақти билан «Болаларим узоқун телевизор ёнидан бери келмайди», деган гапларни ҳам эшитаман. Тўғри, бугунги ҳаётини телевизорсиз тасав-

вур қилиш қийин. Лекин, каттами-кичкими, ўзига мос дастурни кўргани маъқул. Бунда ҳам ота-она ибрати асқотлади.

Ўзбекининг феъли кенг, серфарзандлик — сердавлатлик. «Унта бўлса, ўрни бошқа», дейишган. Тарбияда ҳам кенгфеъллик биринчи сабоқ...

Сайдали бобонинг чеҳрасига боқиб, ўша кенгфеъллик, сердавлатликни илғайман. Қалбидида зукколик китобини ўққандай бўламан. «Қанийди, ҳар бир оилада маънавияти бой шундай қалб ўз нурини сочиб турса», дея орзулайман...

Абдуваҳоб ПИРАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Алоқа тизими

Одатда бир-бир қорихол рўй берса, энг аввало, телефон ёрдамидан фойдаланамиз, бундай пайларда у биз учун яхши ҳимоячи вазифини ўтайди. Бироқ буни қарангки...

Мен ҳар гал мана шу кўп қаватли уй ёнидан ўтаётганимда, унинг барча йўлакларига кираришдаги гаплашадиган қуримлар, яъни «домофон»лар ўрнатилган мустаҳкам темир эшиклар зич қилиб ёпилганини кўриб, ич-ичимдан ҳавасим келади. Томида тизилб турган ерининг сунъий йўдоши орқали ишлайдиган теледидоннинг неча ўнлаб параболдик антенналари тинч ва хотиржам тарзда ўзининг «соябондик хизмати»ни ўтаётди. Энг олдин уйларида бири бўлиб, худди сизу биз сингари фуқаролар истиқомат қилишади, кўпчилиги — нафақахўрлар, болалар. Фарқи фақат шундаки, бундан ун йил аввал улар «Ҳамма хонадонлар ҳуусийлаштирилган ва эндиликда ўзимизга тегишли бўлган экан, уйнинг яхши сақланиши, маржуд иншоотларга шикаст етмаслиги учун муносиб даражада тартиб ўрнатилишимиз лозим, чунки бизнинг яшаш шароитимиз, ҳузур-ҳаловатимиз шунга боғлиқдир», деган қарорга келишди. Ва шу асосда амалий ишга ўтишди. Пул йиғилиб, темир эшиклар, «домофон»лар ўрнатилди, ертўлага қирилган, томга чиқилган жамини назоратсиз тирқишлар берилди, бу уйда яшовчи ҳар бир одам истиш, сув таъминоти, электр теледидон ва алоқа тармоқларининг умумий қисмларидан фойдаланиш қондаларига риоя қилиши ҳуусида келишиб олинди.

Йўлакдан чиқаётган, орқасида қолган эшикни қаттиқ қилиб ёпган кекса аёлни гапга тутаман:

— Кечирасиз, бу уйда қўшан бўён яшайсизми?

— Ҳа, Нимайди?

— Йўлаклар, ертўлаларда телефон симлари ўрнатилгани эҳда шикастланганини ҳеч эслай оласизми? Еки томагай телеантенналар бирор қорихол бўлса-да «ғумдон» қилинганми?

— Бундангити ҳолисавар ҳеч қачон рўй бермаган. Хулоға шукур, сиз айтган ноҳўя ишларнинг юзи биздан текари бўлиб турибди. Эшитимча, бошқалариники ўйлаб кетишмаганди...

Уша аёл уларга хизмат қилувчи ЖЭКни ҳам, уй-жой мулкдорлари ширкатини ҳам, қонун бўйича бизнинг турар жойларимизни қўриқлаш лозим бўлган бошқа ташкилотларни ҳам тилга олгани йўқ, балки одамлар ўз тинчлиги ва ҳузур-ҳаловатини таъминлаётган, турмуши қўлай бўлишига ҳар кунги хизмат қилётган техника иншоотлари қандай тарзда қўриқланаётгани ҳақида тапирди.

Ушим яшаб турган уйни қўшан кечираман. Сахитица йўлакдан фақат биттасидангина илгари бора хонадонларга ўрнатилган «домофон» қолган, бошқалари алдақончи шилиб кетилган. Йўлак эшиклар олдига кечая кундуз очик турди, ертўла тўнукларига темир панжара ўрнатилмаган, томга чиқилган тирқиш ҳам назоратсиз. Шундай экан, ерининг сунъий йўдоши орқали ишлайдиган телеантенналарнинг «лиқонча»ларини нурлантирувчи қисмларини тирқишлар электр пайвандлаш йўли билан маҳкамлаб таш-

плитлар бутунлай ҳимоясиз қолган. Бу эса муттаҳамларга бизнинг телефонимиз жуфтликларига ноқонуний равишда уланиши ва, агар истаса, бутун дунё билан бемалол гаплашиши учун яхши имкониятлар. Ҳа, бизнинг ҳисобимиздан бошқалар гаплашавиришлари мумкин.

— Келинлар, биз ҳам худди бошқа уйларида бўлгани каби ҳамма тирқишларни беркиртб қўйилдик. — тақлиф киритаман қўшнларга.

— Бу ишни аслида ЖЭК қилиши керак эди. Мана энди ширкат қўлига ўтди. Улар уйни капитал таъмирлаш билан бирга, бу умумий иншоотлар ва қуримларни тиклаб беришлари лозим. Сақланишини эса милиция назорат қилиши зарур, — деган жавоб бўлди.

Менинг ташаббусим шу тариха сўнди-қолди. Бинобарин, жабрини ўзимиз тортаймиз. Телефон симларини ўйлаш ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда. 30-50 метр ва ҳатто ундан ҳам каттароқ қилиб кесиб олинипти. Сизимин 10-20-50, баъзан эса 100-500 жуфтлик кабеллари бўлган асосий ва тақсимлағич алоқа линиялари дабала қилиб кетилмоқда. Минглаб телефонлар, асосан хонадонларнинг телефонлари узоқ вақт сукут сақлашга маҳкум. Одамлар «Тез ёрдам»ни чақириб, Худо кўрсатмасин, ёнтин чикса ёки кўчада безорилик рўй бериб қолса, тегишли идораларга маълум қилиш, қариндош-хўруглари, ёру бироларлари, хизматдошлари билан гаплашиб туриш қолмоқдалар.

Пойтахт телефон тармоғида жорий йилининг ўтган 4 ойи ичиде 108 та кабелда телефон иншоотларига нисбатан 76 мартаба ҳужум қилиш ҳолатлари рўй берди. Ана шу кўрсаткич ўтган йилининг худди шу давридага қараганда уч баробар кўпдир. Нима бўлапти узи?

Нега бундай ҳолиса рўй берапти? Бу ҳол, албатта «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» корхонаси жамоатини жиқий ташвишлантирмоқда. Алоқачилар ҳар бир бузғунчилик ҳолати дадил буйича милицияга, ҳокимликларга маълум қилиш баробарида ўзлари ҳам қўшан келганча чоралар кўрмоқдалар. Масалан, асосий йўналишларни қувват билан таъминлаб турадиган магистраль кабеллар ҳамда станцияларро қўшилмалар орқича ҳаво босими остига қўйилди, кўпгина тақсимлағич тармоқларида, айниқса, яхши ҳимояланмаган жойларда махсус электр сизимизация ўрнатилди, барча тўғули АТСларда қўриқловчи ва авария-тиклаш бригадаларининг навабатчилиги ташкил этилди. Қўчалардаги темир шафлар қўшнмча зичлантирувчи қуримлар билан жиқолади, ерости қанализациясининг назорат қилинувчи қудуқлари тирқишлари электр пайвандлаш йўли билан маҳкамлаб таш-

ланапти. Буларнинг барчаси техникавий фойдаланиш меъёрларида қўшнмча қўшнмча қўшнмча бўлиб, уларни қўллаишга қорхона қатта маблағ ва моддий ресурслар сарфлашга, малакали ходимларни асосий ишдан қалғитиб, фақуллода ҳолиса оқибатларини тугатиш учун жалб қилишга мажбур бўлмоқда.

— Милиция ёрдам бермайтими?

— Ҳозирги кунгача милиция бирорта ҳам кабел ўғирини қўлга туширган йўқ, — дейиши шаҳар телефон станциясида. — Аммо алоқачиларимиз ўз қўшнлари билан 96-АТС иншооти худудига битта шубҳали шахсни ушлаб олиб, милицияга топширишди. У ёғи нима бўлди — номаълум.

Шунга қарамай, маълумотлар алоқа истеъмолчилари қат-

Бузилган иншоотларни тиклашга ўйлаб кетилган кабелларнинг қийматиға нисбатан олганда уч баробар кўп маблағ сарфлашга тўғри келди. Бошқача айтганда, шу мақсадда 555,5 километрик турли сизимдаги кабеллар ишлатилди. Бу кабеллар сотиб олинди, ўйлаб кетилганлари ўрнига ётқизилди, пайвандланди. Кейин-чи? Баъзи жойларда ўғирлик яна такроран содир бўлди.

«Пуллимизни қайтариб беринг! Абонент тўловларини бошқатдан ҳисоблаб чиқинг, чунки телефонлар ишлагани йўқ» деган талаб қўйишмоқда абонентлар. Қорхона уларнинг эътирозларини қондиришга мажбур бўлмоқда. 4 ой мобайнида абонентлар фойдасида ва қорхона ҳисобидан қайта ҳисоблаш 200 минг сўмини ташкил этди. Булар қўшнмча қўрилган экан.

та зарар қўраётганидан далолат бермоқда. Туман ҳокимликлари, маҳалла қўмиталари, уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ҳамма учун умумий ҳисобланган алоқа иншоотларининг сақланишини таъминлаш борисида етарли даражада иш олиб бормаптитилар, кабелларни ўйлаш ва линияларнинг шикастлаш ҳолатларининг олдини олаётганлари йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой қоқеқсиде «Кўп квартиралы уйларида турар жой мулкдорларига уйнинг умумий бинолари, уйнинг асосий конструкциялари, қвартира ташқарисиде ёки ичиде бўлган биттадан ортки қвартирага хизмат қиладиган механик, электр, санитария-техник ҳамда бошқа қил ҳукуналар (умумий) тарзда фойдаланиладиган объектлар» улушли мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишли ҳисобланади» деб аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Қолаверса, «Тош-уй-жойинвестқўрилуш»нинг капитал қўрилуш бош бошқармаси 1997 йилдаёқ «Электр ва уйлар ичидаги камқувватли турмоқларнинг коммутация қуримлари уй-жойдан фойдаланиш ташкилотларининг балансиға ўтказилиши ҳамда турар жой биносиға тегишли мулк ҳисобланади» деб тасдиқлаб қўйган.

Бироқ, тахлиллар қўрастишича, кабелларни ўйлаш, уларга шикаст етказиш ҳолатларининг аксарияти тун пайларда, уйлارнинг қордоқлари ва ертўлалар чет қишлар кириши учун очик ҳола қолдирилганда рўй берапти. Бу ҳақда алоқачилар маҳаллий ҳокимият органларига мунтазам равишда маълум қилмоқдалар ва чоралар қўриши сўрашапти. Афсуски, иш гап-сўздан нарига сикжетгани йўқ. Охири-охирида абонентлар ва қорхоналар жабр тортишмоқда. 4 ой мобайнида кабелларни ўйришдан етказилган моддий зарар 11 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди: бинобарин, алоқачиларнинг тўхтаб қолгани 6 минг соатдан иборат бўлди, яъни абонентларнинг телефонлари шунча вақт мобайнида ишламай турди.

Уз қабсининг усталарига иш ўргатиш шарт эмас. Қандай йўл тутиш лозимлигини уларнинг ўзлари яхши биладилар. Бу ҳоқимликлар, маҳалла қўмиталарини ҳам беш кўлдек маълум қўшн. Шундай экан, балки улар қўш-гайратин, ақл-фаросатин жамлаб, ҳеч қўшнмаганда пайдо бўлган мана шу муаммонинг ечими ҳақида беш қўришар? Агар бир ёқдан беш чикариб, ёлпасига қиришилса, муаммонинг ечими топилиб қолар.

...Яқин кунларда ширкатимиз бизнинг уйимизда истиқомат қилувчиларнинг йиғилишини ўтказди. «Қалъамиз» эшикларини янги пайдо бўлган «герострат»лар қира олмайдиган қилиб бутунлай ёпиб қўйиш масаласини муҳокама этдик.

Ҳимояга муҳтож телефонларга ёрдам қўлини қўшиш учун шундай қилмоқчимиз. Сиз-чи?

Анатолий КУДИНОВ. (1)

Оромгоҳларда

ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ

«Бухоротекс» акциядорлик жамиятига қарашли «Ёш тўқимачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дастлабки босқич ўз ишини бошлади. Эътироф этиш лозимки, оромгоҳда гадаги мавсумга пухта ҳозирлик қўрилди. Ошхона, дам олиш хоналари қайта таъмирланиб, оромгоҳ худуди ободонлаштирилди. Шунингдек, турфа мебеллар, спорт жиҳозлари сотиб олинди. Бу мавсумда «Ёш тўқимачи»да меҳнатқашларнинг 640 нафар фарзанди дам олади.

ҲАМ ОРОМ, ҲАМ ЗИЁРАТ

Яккабоғ туманидаги Аҳад Азизқориев номи оромгоҳ болаларнинг шўх-шодон ҳайқиряқлари билан тўлди. Бу йилги мавсумда 600 нафар болани ўз бағрига олади-ган ушбу оромгоҳда бир миллион шўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бе ерда асосан шўртанчиларнинг фарзандлари дам олишади. Махсус дастурга қўра, дам олувчилар ўртасида Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларидаги қадам-жоларга саёҳатлар уюштириш, турли хил мусобақа ва викториналар ўтказиш қўзда тутилган.

«АЧЧИҚҚЎЛ»ДАГИ ШИРИН ДАМЛАР

Қорақалпоғистонлик матлуботчиларнинг бир гуруҳ фарзандлари ёғи таътилнинг ушбу ойини Нукус яқинидаги сўли «Аччиққўл» бағрида жойлашган «Юлдузча» оромгоҳида ўтказадиган бўлиши. — Фарзандларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шароитни муҳайё қилдик, — дейди «Қорақалпоғистон» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси депутаты Ҳамид Файзуллаев. — Келажгимиз эгаларидан ҳеч нарсани аймаймиз. «Халқ сўзи» — «Туркистон-Пресс».



Тўйларга буюрсин, тўйларга...

Бирор буюм харид қилиб қайтар экансиз, дўкондор сизни шу сўзлар билан қузатиб қолади. Чунки ўзбекининг тўйлари кўп-да. Бу орзу-ҳавасда юрган бойсунликлар тумандаги «Озода» мислий хўнармандчилик кичик корхонасини бот-бот тилга олишади. Бу ерда ишлаб чиқариладиган дўппи, кашта, зардевор, гилам каби кўплаб миллий буюмлар, кийим-кечақлар қайси келин-куёвнинг уйини беэамайди, дейсиз. Буюртмаларнинг сифати бажарилиши эса харидорлар сонини янада кўпайтирмоқда.

СУРАТДА: ушбу қорхона маҳсулотларидан намуналар қўриб турибсиз. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Қилмиш-қидирмиш Сохталик фоз этилди

Ушбу элак-элак қилинди. Омбордан 227 тона тайёр ароқ топилди. Ясама ароқ тайёрлашда фойдаланиладиган зарур мослама, жиҳозлар, жимжамдор ёрликлар далалий ашё сифатида олинди. Шу тарихда яна бир жипот фоз этилди. Қўнғилсизликлар олд олинди. Углар саломатлигидан қўра гараз ниятдаги моддий манфатини усту қўшган Умаров қилмиш учун эди қонун олдида жавоб беради. О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Uzbektelecom. Text: «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ. 2002 йил 5 июлдан айрим телекоммуникация хизматлари учун тарифлар ўзгаришини маълум қилади. Минтақаларо телеграф ва телесфон алоқа каналлари ижараси ўртача 1.1 баробарга оширилади. «Халқ сўзи» га с 9.00 дан 18.00 гача. Тел. факс: 136-09-25, 132-10-63. 256 хона.

Advertisement for Samsung Digitall air conditioners. Text: SAMSUNG DIGITall everyone's invited. КОНДИЦИОНЕРЛАР BIO TECH Plus. Розы прекрасной, покрытой росой, Милой лицо даже розы затмило красой. Прощай, Хайям, себе сердце тыраните тоской, Убо прекрасно, что живы пока им с тобой. Умар Хайём. Омар Хайям. Кафолат - 3 йил. 50-8837, 50-0419, 186-0771. E-mail: sergey@sinta.prv.uz

Advertisement for NARA gas stations. Text: ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТАДАГИ ОМБОРДАН. БЕНЗИН ҚҮЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРНИ тақлиф этади. Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади. Завод кафолати берилади. Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили



ЭЪЗОЗ

Дарахт меваси билан тотли бўлганидек, инсон ҳам фарзандлари билан эъзолдир. Суратдаги нуруний онахонга боқинг. Урганч шаҳрида яшовчи Оқилжон момо Худойбергенова бу йил ўзининг муборак 111 ёшини қаршилади.

Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Ҳиндча-ўзбекча лугат»

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Бироқ, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлини тугангандан сўнг икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар раванга янги мазмун касб этди.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Жанубий Осиё тиллари кафедраси ҳамда Ҳиндистоннинг Абул Қалам Озод номидаги Осиё тилқўтлари институти ҳамкорликда тайёрлаган «Ҳиндча-ўзбекча лугат» «Hope India Publications / G e s e l w i c h Millennium» нашриётида чоп этилди.

Луғатдаги сўз ва ибораларни тилдан жараёнда Ҳиндистонда напир этилган беш жилдди «Манак хинди кош», «Брихат хинди кош» ва «Наланди шилал шабдсагар» луғатлари, шунингдек, Ҳиндистон ҳукумати Маориф вазирига қарашли Марказий хинд тили бошқармаси томонидан напир этилган «Вьяхарик хинди ангреси» ҳамда хиндча-русча луғатлардан фойдаланилади.

Ушбу луғат хинд тили бўйича бакалаврият босқичи талабалари ҳамда маъмурият тилини ўрганадиган кенг китобхоналар оммасига мўлжаллангандир.

У.УМИРОВ, «Жаҳон»АА, Деҳли.

БОҚИЙ БАХТ

(Этюд)

Шоҳ Хусайн Бойқарони дунёдаги энг хушбўй ҳиди билан қонқирган азиз неъмат — нон ҳидининг, ҳақиқатан ҳам хушбўйлигини инкор этмаганим ҳолда, агар мендан сўрасалар, унинг ёнига онанинг қайноқ бағридан таралиб тургучи ажиб бир бўйин ҳам қўйган бўлур эдим.

Бугун мен меҳрибоним бағридан йироқман. Шафқатсиз масофа биз — иккимизни ажратиб турса-да, онам ҳидини қўймайверман. Мени бир нарсга доим ўйлантириб келади: нега бунчалар ул зотни яхши кўраман, нима учун онамизга ҳаётини тасаввур қилмайман? Балки яратган жонимизга қўйиб қоргандир она меҳрини...

Орадан йиллар ўтди. Аста-секин ақлимни таний бошладим. Бу орада онам касалга чалиниб қолди. У қўнларни душманимга раво кўрмайман. Ҳаётда барча нарсасга бўлган иштиқом, орзуларим сўнган, фақатгина қўлимни дуога очиб, яратгандан шифо сўрайдим. Олпоқ қоғоз юзларини юрагим нолалари билан тўлдирар, ўша кезларда менинг таскиним фақат қоғоз ва қалам эди.

Олпоқ раҳмини дарин тутмади, жону жаҳонимга шифо берди. Ул зотнинг шодон кулгуси, майингина овози уйимиз узра яна жаранглай бошлади.

Бугун онамдан олисман. Гарчанд бу манзилга етиш осон кечмаган бўлса-да, аввалига кўникишим анча қийин бўлди. Кўкдан кўнроқ қилиб чақиртиришса, онаминг овозини эшитардим-у. Узим бир сўз айтолмай тураверардим. Бўзимга бир нима тикилиб, кўларимдан дув-дув ёш қуйлаверарди.

Инсон барчасига кўникаркан, эндиликда суҳбатимиз йилдан ҳоли бўлмаса ҳам, ҳар тугул гаплаша олаймиз...

Онаминг мендан аввалги фарзандлари ҳали туғуруқхонадалигидек, тиббиёт ходимларининг бефарқлиги туйғайиб нобуд бўлган экан. Шу боис, мен туғилганда, чақалоқлар хонасига кириб, туни билан мени бағрига босганча, ўтириб чиқаркан. Балки, иккимизни боғлаб турган сирли занжир ўшанда пайло бўлгандир?!

Онаминг бўйи... Уни фақат мен ҳис этаман ва «танийман». У мени уфқ томон қорлайверди. Унга интилиб яшаш — боқий бахт.

Муборак ОХУНОВА, ЎзМУ талабаси.

САВОЛ БИЗДАН...

Финляндия бир палатали парламенти нима деб аталади?

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: филиция

136-35-60

ИМКОНияТЛАР ЭШИГИ

XXI аср спорти

Хорижда ишлашни хоҳлайсизми? Канақа иш экан дейсизми? Мурабийлик. Дунёга бўйлашган миллий қадриятимиз — курашнинг халқаро қондаларини хорижий ёшларга ўргатиш керак. Энг муҳими, тақлиф уларнинг ўзларидан — чет эллардаги маҳаллий федерациялардан тушмоқда. XXI аср спорти деб аталаётган ўзбек курашининг қисқа давр ичида қўлга киритган ютуқлари, ривожланиш йўлларидан жадид олимларга, асосий-

си, унинг яқин йиллар ичида Олимпия уйинлари таркибидан урин олиши эътироф қилинаётгани уларни шундай қарорга келишга ундаган бўлса, не ажаб. Хуллас, мурабийлик қобилиятингизни синаб кўрмоқчи бўлсангиз (агар ёшингиз 50 дан ошмаган бўлса), Англия, Канада, Бразилия, Бразилия, ЖАР, Венгрия, Эрон, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Сингапур каби давлатларда ишлаш ва айни пайтда курашимизнинг хорижда-

ги тарғиботи ва тараққийига ҳисса қўиши имконига эгадир. Бунинг учун Халқаро кураш ассоциацияси ҳамда Халқаро кураш институти томонидан ўтказилаётган танловда қатнашингиз лозим. Ҳар эҳтимолга қарши мутасадди идоранинг манзинини ёзиб қўйсангиз зиён қилмайди: Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси 70 "А" уй. Муфассал маълумот олиш учун қуйидаги рақамларни теинг: 41-19-37, 41-10-41. Хушxabарни одамларга

вақтида етказиш завқ бағишлайди кишига. Газетамиз ақидидагина бу ёруғ одамнинг Океания деяр аталмиш минтақасидаги ёшлар кураш билан шуғуллана бошлаганини маълум қилган эди. Мана, энди полвон ака-укаларимиз учун очилаётган имкониятлар тўғрисидаги дарак сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамыз. Ахир узоқ Африка ёхуд кунчиқар юрт фарзандларига ўша ерга бориб ўзбек курашидан сабоқ бериш, миллий қадриятимизнинг кўҳна фалсафасини тарғиб қилиш ҳар биримиз учун фахр эмасми? Ҳ мухбиримиз.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тажриб хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65 Маънавий ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — О. РАЖАБОВ. Мусалхих — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зинд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалы.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.00. 1 2 3 4 5 6

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ


«АСАКА» БАНКИ

сизга халқаро валюта ва сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни тақлиф этади.



«Асака» банки пластик карточкалари — бу: ишончли, нуфузли, қулай ва фойдали.

- Сўм карточкаларимизга товарлар ёки хизматларга тўлов ёки нақд пул олиш учун сиз ўзингизга қулай бўлган вақтда республикамиздаги савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида, Europay (MasterCard) халқаро карточкалар орқали жаҳондаги ҳар қандай мамлакатда туриб тўловни ёки валюта олишни амалга оширишингиз мумкин.
Сизнинг пластик карточкаларингиздаги қолдиқ маблағларингизга даромад қўшилади.
Банкимизнинг ўзига хос томони шундаки, юксак малакали мутахассисларимиз миҳозларимизга юқори даражада хизмат кўрсатади ва сиз пластик карточкаларни қисқа вақтда олиш имконига эга бўласиз.
Энг муҳими, «АСАКА» банки омонатларингизнинг тўла сақланишини ва махфийлигини кафолатлайди.



Пластик карточкаларни олиш бўйича Банк филиалларига мурожаат қилинг. Телефонлар: 120-81-79, 120-82-75, 120-83-09, 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-84-08, 120-81-98, 120-84-23.

«АСАКА» банки карточкалари бу янги бир дунё!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «Lok Kolor Sintez» QK ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА. Лак-бўёқ маҳсулотлари. Тақлиф этади. Қурилиш оҳтиёжлари учун: уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари; ташқи деворлар учун бўёқлар; том учун бўёқлар; алкид ва акрилат эмаллари; полларни бўяш учун бўёқлар; ёғоч ва бўялган юзларини қоплаш учун лаклар; грунтровка ва шпатлевкалар; L 80, 100, 120мм.ли михлар; эмульсиявий, силикатли елим. Сановат оҳтиёжлари учун: универсал алкид бўёқлари; том учун бўёқлар; алкид-уретан эмаллари; акрилат эмаллари; грунтровка ва шпатлевкалар. Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган. МР-3 русумли ЭЛЕКТРОДАЛАР. Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари ИШ ҚИЙИМЛАРИ: узун энгли эркаклар иш костюми; калта энгли эркаклар иш костюми; эркаклар ярим комбинезони; аёллар ярим комбинезони; аёллар иш бермудалари; аёллар иш фартуклари; эркаклар учун иссиқ иш курткалари; йўл хизмати ходимлари жилети; аёллар тиббий халати; эркаклар тиббий халати; эркаклар иш халати; ошпазлар курткаси; ошпазлар бош кийими; ички кийимлар; кўлқоплар, шунингдек, миҳозлар бюрутмасига кўра, бошқа маҳсул кийимлар. Кўрпа-ёстиқ буюмлари: кўрпа жилдлари; чойшаблар; турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари; шунингдек: дастурхонлар; дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка; ип газламали салфетка; 85x50 ўлчамдаги сочиқлар.